

СОПОЛ ИДИШЛАР ВА МЕХНАТ ҚУРОЛЛАРИ ТОПИЛМАЛАРИ.

Қўзиева Хурида Латиповна

Шаҳрисабз давлат музей

қўриқхонаси Рассом таъмирчи

Аннотация: Мазкур мақолада археологик ёдгорликлардан топилган сопол идишлар ва меҳнат қуролларининг тарихий-маданий аҳамияти ёритилади. Сопол буюмлар қадимги аҳолининг ҳўжалик фаолияти, кундалик турмуши, ҳунармандчилиги ва эстетик қарашлари ҳақида муҳим маълумот берувчи археологик манба ҳисобланади. Мақолада сопол идишларнинг шакли, тайёрланиш технологияси, безаклари ва функционал хусусиятлари ҳамда тош, суяк ва металлдан ясалган меҳнат қуролларининг асосий турлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: археология, археологик ёдгорлик, сопол идиш, кулолчилик, меҳнат қуроллари, тош қуроллар, металл буюмлар, ҳўжалик, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик, археологик манба.

Аннотация: В данной статье освещается историко-культурное значение находок керамических сосудов и орудий труда, обнаруженных на археологических памятниках. Керамические изделия являются важным археологическим источником, позволяющим получить ценные сведения о хозяйственной деятельности, повседневной жизни, ремесле и эстетических представлениях древнего населения. В статье анализируются форма, технология изготовления, орнаментация и функциональные особенности керамических сосудов, а также основные виды орудий труда, изготовленных из камня, кости и металла.

Ключевые слова: археология, археологический памятник, керамический сосуд, гончарство, орудия труда, каменные орудия, металлические изделия, хозяйство, ремесло, земледелие, скотоводство, археологический источник.

Abstract: This article examines the historical and cultural significance of ceramic vessels and tools discovered at archaeological sites. Ceramic artifacts are an important archaeological source that provides valuable information about the economic activities, everyday life, craftsmanship, and aesthetic perceptions of ancient populations. The article analyzes the forms, manufacturing technologies, decorative features, and functional characteristics of ceramic vessels, as well as the main types of tools made of stone, bone, and metal.

Keywords: archaeology, archaeological site, ceramic vessel, pottery, tools, stone tools, metal artifacts, economy, craftsmanship, agriculture, pastoralism, archaeological source.

Археология фани қадимги инсон ҳаёти ва фаолиятини моддий маданият ёдгорликлари орқали ўрганади. Археологик қазилмалар натижасида турли даврларга мансуб сопол идишлар тош, суяк, металдан yasалган меҳнат қуроллари ҳамда бошқа буюмлар топилади. Бундай топилмалар аجدодларимизнинг кундалик ҳаёти, ҳўжалиги, ишлаб чиқариш усуллари ва моддий тараққиёти ҳақида муҳим маълумотларни сақлаб келган.¹

Сопол идишлар ва меҳнат қуроллари археологик манбалар орасида алоҳида ўрин тутади. Чунки улар қадимги жамиятнинг иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишга асосий манбалардан бири ҳисобланади. Сопол идишларнинг археологияда алоҳида ўринга ега ҳисобланади.

Сопол идишлар инсоният тарихида энг қадимги ва кенг тарқалган моддий маданият намуналаридан бири. Улар асосан овқат тайёрлаш, сув ва дон маҳсулотларини сақлаш ҳамда турли ҳўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилган. Археологик ёдгорликлардан топилган сопол идишларнинг шакли, катта кичиклиги, безаклари ва тайёрланиш усули орқали уларнинг қайси даврга мансублигини аниқлаш мумкин. Қўлда yasалган сопол идишлар кўпроқ қадимги даврга хос бўлса, кулолчилик чарҳида тайёрланган идишлар ҳунармандчиликнинг ривожланганлигини кўрсатади. Сопол идишларга туширилган геометрик нақшлар, ҳайвонлар ва ўсимликларга оид тасвирлар қадимги аҳолининг эстетик қарашлари ҳамда маданий анъаналари ҳақида маълумот беради.

Меҳнат қуроллари қадимги инсонларнинг асосий ҳаёт воситаларидан бири бўлган. Энг дастлабки меҳнат қуроллари тошдан yasалган. Вақт ўтиши билан инсонлар суяк, ёғоч ва металлларга ишлов беришни ўрганганлар. Натижада меҳнат қуролларининг турлари ва сифати такомиллашиб борган. Бронза ва темир даврларида металдан yasалган қуроллар кенг тарқалган.²

- Деҳқончилик қуроллари – ерга ишлов бериш ва ҳосил йиғишда;
- Овчилик қуроллари - ҳайвонларни овлашга;
- Ҳунармандчилик асбоблари – турли буюмлар тайёрлашга;
- Чорвачиликка оид асбоблар – ҳўжалик ишларида фойдаланилган.

Археологик топилмалар нафақат алоҳида буюм сифатида, балки улар топилган маданий қатлам билан биргаликда ўрганилади. Сопол идиш ёки меҳнат қуролининг қайси жойдан, қайси қатламдан топилгани унинг даврини аниқлашда катта ёрдам беради.

¹ Кабиров Ж., Сағдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент: Ўқитувчи.

² Сағдуллаев А. С. Қадимги Ўзбекистон тарихи. – Тошкент.

² Кабиров Ж., Сағдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент: Ўқитувчи.

Сопол идишлар орқали археологлар турли маданиятлар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни белгилайдилар. Ўзбекистон ҳудудидаги кўплаб археологик ёдгорликлардан турли даврларга оид сопол идишлар ва меҳнат қуроллари топилган. Уларни ўрганиш орқали бу ҳудудларда қадимдан деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик ривожланганлигини кўриш мумкин.³

Хулоса қилиб айтганда, сопол идишлар ва меҳнат қуроллари археологик тадқиқотларда муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Сопол идишлар ва меҳнат қуроллари археологик тадқиқотларнинг энг муҳим моддий манбаларидан бири ҳисобланади. Сопол буюмлар орқали қадимги аҳолининг қулолчилик технологияси, кундалик турмуши, озиқ-овқат сақлаш ва тайёрлаш усуллари ҳамда эстетик қарашлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Меҳнат қуроллари эса қадимги жамоаларнинг хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш усуллари ва технологик тараққиётини аниқлаш имконини беради. Уларнинг тошдан металлгача бўлган такомиллашуви инсоннинг табиий муҳитни ўзлаштириш имкониятлари кенгайиб борганини кўрсатади.⁴

Ушбу топилмаларни ҳар томонлама ўрганиш инсониятнинг қадимги тарихи, жамият тараққиёти ва моддий маданияти ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади. Шу сабабли археологик топилмаларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодга етказиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, сопол идишлар ва меҳнат қуролларини биргаликда ўрганиш археологик ёдгорликларнинг хронологияси, маданий мансублиги ва қадимги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тиклашда муҳим илмий натижалар беради. Айниқса, Қашқадарё воҳасидаги археологик ёдгорликларидан топилган ашёларни комплекс тадқиқ этиш воҳанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини янада чуқурроқ ёритиш имконини беради.

Археологик ёдгорликларда сопол идишлар ва меҳнат қуролларининг бир контекстда учраши жуда муҳим илмий аҳамиятга эга. Чунки бу икки турдаги топилмалар биргаликда ўрганилганда қадимги аҳолининг турмуш тарзи ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аскарлов А. А. Ўзбекистон тарихи: энг қадимги даврлардан милодий V асргача. – Тошкент: Фан.
2. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент: Ўқитувчи.
3. Сагдуллаев А. С. Қадимги Ўзбекистон тарихи. – Тошкент.

⁴ Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент: Ўқитувчи.

4. Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы. – Москва: Наука.
5. Массон В. М. Экономика и социальный строй древних обществ Средней Азии. – Ленинград: Наука.
6. Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – Москва: Издательство восточной литературы.
7. Бернштам А. Н. Археологические памятники Средней Азии. – Ленинград.
8. Мандельштам А. М. Памятники эпохи бронзы Средней Азии. – Ленинград: Наука.
9. Литвинский Б. А. Древности Таджикистана и Средней Азии. – Душанбе.
10. Ртвеладзе Э. В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент.
11. Пугаченкова Г. А. Археология Ўзбекистон худудидаги қадимги маданиятлар тарихига оид тадқиқотлар. – Тошкент.